БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАҒАН | № 136 (16.826). | 14 июнь 1977 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

ЯКДИЛЛИК

13 июнь куни Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидан келиб чиқадиган вазифалари қараб чиқилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев шу ҳақда доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар СССР янги Конституциясининг лойиҳаси Улуғ Октябрдан кейин жамиятимизда содир бўлган жуда катта ўзгаришларни акс эттирганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу ҳужжат социалистик демократия янада кенгайтирилганлиги ва чуқурлаштирилганлигини билдиради.

Йиғилишда СССР Конституцияси лойиҳаси, партия Марказий Комитети май Пленуми қарорлари қизғин ва яқдиллик билан маъқулланди. Пленум иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, ўртоқ Л. И. Брежневга совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги жуда катта ғамхўрлик учун республика пойтахти коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан ташаккур изҳор этдилар. Пленумда СССРнинг янги Асосий қонуни лойиҳаси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун курашда Тошкент меҳнаткашларининг ташаббусини оширадиган қудратли омил бўлади, деб таъкидлаб ўтилди.

* * *

НУКУС, 13 июнь. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон область партия комитетининг бугун бу ерда бўлиб ўтган пленумида область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камоловнинг «КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми якунлари ва область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисидаги доклади муҳокама қилинди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар мамлакатнинг янги Конституцияси лойиҳаси автоном республика меҳнаткашларини янада илҳомлантириб, уларнинг куч-ғайратини жўш урдириб юборганлигини, бу тарихий ҳужжат давлат тузилиши СССРдаги барча миллатлар ва элатларни ҳар тарафлама ривожлантириш ва яқинлаштириш, гражданларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашда ленинча принципларни давом эттириш ва ривожлантиришни таъкидлаб ўтдилар.

Пленум иштирокчилари янги Асосий қонун лойиҳасини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида қилган докладидаги қоидалар ва ҳулосаларни маъқуллаб, барча ғалабаларимизнинг битмас-туганмас манбаи бўлган халқлар дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга азму-қарор қилганликларини изҳор этдилар.

Конституция лойиҳасини кенг, амалий муҳокама қилинишини таъминлаш билан бирга, деб таъкидлаб ўтилди Пленумда, меҳнат коллективларининг амалий фаолиятини яхшилашга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборишга алоҳида эътибор бериш керак.

* * *

УРГАНЧ, 13 июнь. (ЎзТАГ). Бугун область партия активининг бу ерда бўлиб ўтган йиғилиши иштирокчилари Хоразм области коммунистларининг иродасини ифодалаб, СССР Конституцияси лойиҳасини қизғин маъқулладилар ва КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида баён этилган қоида ва хулосаларни оғишмай ижро этиш учун қабул қилдилар. Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов доклад қилди.

Нотиқлар ўз сўзларида янги Асосий қонун лойиҳаси мамлакат тарихида муҳим воқеа эканлигини, социалистик давлат тузилишини янада мустаҳкамлашнинг, социалистик демократияни изчиллик билан ривожлантириш ва давлатни бошқариш системасини такомиллаштиришнинг ёрқин далили эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Йиғилиш иштирокчилари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, ўртоқ Л. И Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини тўла қўллаб-қувватлаганликларини изҳор этдилар.

Йиғилиш ишида СССР Конституцияси лойиҳасини пропаганда қилиш ва тушунтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилди. Сўзга чиққан нотиқлар бу тарихий ҳужжатни имкони борича кенгроқ ва амалий муҳокама қилинишини таъминлаш, унинг мазмунини ҳар бир кишининг онгига етказиш ғоят муҳим иш эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик белгиси остида олиб борилиши керак.

* * *

САМАРҚАНД, 13 июнь. (ЎзТАГ). Самарқанд область партия активининг бугун бу ерда бўлиб ўтган йиғилиши СССР Конституцияси лойиҳасини, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми якунларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссияси раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини муҳокама қилишга бағишланди. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди.

Конституция лойиҳасида Коммунистик партиянинг совет жамияти ва давлатининг етакчи кучи сифатидаги раҳбарлик ва етакчилик роли муфассал тавсифлаб берилганлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. КПСС совет халқининг коммунизм ғалабаси учун курашига планли, илмий асосланган характер бағишламоқда.

Партия ва халқнинг ҳокиш-иродаси билан деб таъкидлаб ўтган сўзга чиққан нотиқлар, Самарқанд области индустриал ўлкага, серунум қишлоқ хўжалиги зонасига айланди. Бу ерда йирик химия заводининг қурилиши давом этмоқда, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати тез ривожланмоқда. Область кўп миқдорда пахта, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқда.

Самарқанд областининг коммунистлари социалистик демократияни янада чуқурлаштириш тўғрисида, совет халқининг фаровонлигини ошириш ҳақида қилинаётган ғамхўрликка жавобан меҳнаткашлар ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирадилар, деб партия Марказий Комитетини, Сиёсий бюрони, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирдилар.

* * *

АНДИЖОН, 13 июнь. (ЎзТАГ). Область партия ташкилоти активининг бугун бўлиб ўтган йиғилиши КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг якунларини муҳокама қилди. Область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев йиғилишда доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар янги Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши Совет давлатининг ҳаётида тарихий воқеа бўлиб қолаги, деб уқтириб ўтдилар. Конституция лойиҳаларининг рўёбга чиқарилиши ҳукумат ва бошқариш органларининг ишини сифат жиҳатидан янги погонага кўтаради. Барча совет кишилари сингари область меҳнаткашлари ҳам Асосий қонун лойиҳасини шавқ-завқ ва баланд руҳ билан қутиб олдилар. Улар Асосий қонун лойиҳаси экономикани янада юксалтириш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, социалистик демократияни ривожлантириш тўғрисида Коммунистик партия қилаётган зўр ғамхўрлигининг ифодаси деб билмоқдалар.

Конституция лойиҳаси, деб таъкидлашди нотиқлар, совет халқи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида жуда катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган бир пайтда муҳокама қилинмоқда. Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси байроғини баланд кўтарган область меҳнаткашлари ҳам умумий муваффақиятга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари СССР Конституциясининг лойиҳасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети Пленумида қилган докладида баён этилган қоида ва хулосаларни яқдиллик билан маъқуллаб, уларни оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилдилар.

◆ УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

◆ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ МУЛ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШДА

◆ СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНАЕТИР

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ

Бутун совет халқи қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини, шу Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини ҳамда СССР янги Конституцияси лойиҳасини зўр мамнуннят, Ленин партияси, Советлар мамлакати учун фахрланиш ҳис-туйғулари билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида янги Конституция лойиҳасининг хусусиятлари, унда мамлакатимизнинг сўнгги 40 йил ичида босиб ўтган йўли, шу даврда амалга оширилган буюк ўзгаришлар акс эттирилганлиги ҳамманинг қалбига етиб борадиган тарзда кўрсатиб ўтилди. Республикамиз меҳнаткашлари янги Конституция лойиҳаси билан таниш эканлар, мамлакатимиздаги каби республикамизда, областларда, районларда, хўжаликларда юз берган улкан ўзгаришларга яна бир назар ташламоқдалар, партиямизнинг доно сиёсати, жамиятни ривожлантиришга илмий асосда раҳбарлик қилаётганлиги нақадар катта самаралар бераётганлигини яна бир карра ҳис этмоқдалар.

Давлатимиз Асосий Қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, ўнинчи беш йиллик иккинчи йили топшириқларини тўла ва ошириб адо этиш учун социалистик мусобақани кундан-кунга авж олдираётган совет кишиларининг меҳнат ғайратини, ижодий ташаббускорлигини янада ошириб юборди. Шу кунларда ишлаб чиқариш коллективларида бўлиб ўтаётган митингларда ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари, знёлилар янги Конституция лойиҳасини яқдиллик билан маъқулламоқдалар. Коммунистик партиянинг социалистик демократияни янада ривожлантириш, совет кишиларининг ҳуқуқларини, эркинликларини ва бурчларини янада тўлароқ, кенгроқ ифодалаш тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан тағин ҳам яхшироқ, унумлироқ меҳнат қилишга аҳд қилмоқдалар.

Лойиҳа муҳокамаси мамлакатимизнинг экономикасини, фан ва маданиятини ривожлантириш ва юксалтириш соҳасида эришилган жуда катта ғалабалар кўригига айланмоқда.

Меҳнаткашларнинг СССР янги Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши, КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ҳамда шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев доклади муносабати билан юзага келган активлигини халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашнинг энг актуал вазифаларига йўналтириш партия ташкилотларининг жанговар бурчидир.

«Шуни ҳисобга олиш керакки, Конституция лойиҳаси оммавий равишда муҳокама қилинаётган пайтда партия, совет ва хўжалик аппарати барча бўғинларининг амалий фаолияти ҳам меҳнаткашларнинг диққат марказида бўлади, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладида. — Кишиларни қизиқтираётган актуал масалалар тўғрисида, ҳал этилмаган вазифалар ҳақида, ишдаги у ёки бу нуқсонлар тўғрисида гапирилади... Танқидга ва таклифларга оператив равишда конкрет жавоб бериш, зарур жойларда ишларнинг аҳволини яхшилаш чораларини кўриш керак».

Бу сўзлар умумхалқ муҳокамаси даврида партия, совет ва хўжалик ташкилотлари олдида турган вазифаларни яқ-қол-равшан белгилаб беради.

Шуни таъкидлаш зарурки, партия ва совет ташкилотлари янги Конституция лойиҳасининг муҳокамаси даврида катта ташкилотчилик ишларини олиб боришлари керак. Бу муҳокамага кенг меҳнаткашлар оммасининг, аҳолининг барча қатламларини жалб қилиш, улар ўз фикр ва мулоҳазаларини кенг ва очиқ-ойдин баён қилишлари учун шарт-шароит яратиб бериш, Асосий Қонун лойиҳасининг чинакамига амалий муҳокама қилинишини таъминлаш талаб қилинади.

Умумхалқ муҳокамаси давомида баён қилинган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб бориш, ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ғоят муҳим бўлиб, шуннинг ўзи ҳам социалистик демократиямизнинг афзалликларини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Янги Конституция лойиҳасининг бутун совет халқи Улуғ Октябрь 60 йиллигига тайёргарлик кўраётган бир пайтда эълон қилиниши партия ташкилотларидан лойиҳа муҳокамасини шонли юбилейга тайёргарлик билан узвий равишда боғлаб олиб боришни талаб қилади.

Муҳокама давомида совет халқининг коммунистик партия раҳбарлигида босиб ўтган шонли йўлини, экономика, фан ва маданиятни юксалтириш соҳасида эришилган оламшумул ютуқларимизни кенг пропаганда қилиш ғоят муҳимдир. Партия ва ҳукуматимизнинг шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги асосий тафовутларни тугатиш, қишлоқ жойларда барча коммунал қулайликларга эга бўлган уй-жойлар, замонавий посёлкалар барпо этиш тўғрисидаги ғамхўрлигини кенг меҳнаткашлар оммасига далиллар билан тушунтириш. Совет давлатининг инсонпарварлик моҳиятини, чинакам халқ ҳокимияти бўлган Советлар учун халқимиз манфаатлари мукаддас эканлигини аҳолининг турли қатламлари ўртасида кенг тушунтириш, социалистик демократиянинг моҳиятини очиб бериш, совет турмуш тарзини кенг пропаганда қилиш — партия ташкилотларининг олдида турган жанговар вазифалар ана шулардан иборатдир.

Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси меҳнаткашлар ижодий активлигини оширишнинг қудратли омили бўлмоғи керак. Бунинг учун меҳнат коллективларининг, партия, совет, хўжалик ташкилотларининг диққат-эътиборини беш йиллликнинг иккинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга, фойдаланилмаётган резервларни ишга солиш, ишдаги камчиликларни бартараф этишга қаратмоқ керак.

Маҳаллий матбуот, радио, телевидение меҳнаткашларнинг ўз фикр мулоҳазаларини ифода этишлари учун кенг имконият яратиб беришлари, ишдаги камчиликларни очиб ташлашга, сифат ва самарадорликни оширишга ёрдам берадиган таклифларнинг сўзсиз бажарилиши учун кураш олиб боришлари зарур.

Совет кишиларининг жуда кенг социал-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари Конституция лойиҳасида тўлиқ акс эттирилган. Социалистик Ватанимизнинг куч-қудрати ва гуллаб-яшнаши совет кишилари барча ҳуқуқларининг асосий гарантиясидир. Бинобарин,социалистик Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилиш ҳар биримизнинг олий бурчимиздир.

АВИАТОРЛАР ҲИММАТИ

Пахтакор-деҳқонларимиз, дала гвардиячиларимизнинг иши ҳар қачонгидан кўпайган. Улар пахта далаларида астойдил меҳнат қилиб, ҳар туп ғўзани авайлаб-асраб парвариш қилиптилар. Вақтида суғориб, вақтида озиқлантиряптилар. Айни пайтларда қишлоқ хўжалик зараркунандалари тушган пайкалларни химикатлар билан дориламоқдалар. Пахтазор марду майдонларига «қанотли дўст»лар — авиаторлар ҳам ёрдамга келишди. Бепоён пахта майдонлари узра қишлоқ хўжалик самолётлари учиб юришибди. Самолётлар орқали ғўза зараркунандаларига қарши дори сепиляпти. Суратларда (пастда) Жиззах районидаги Навоий номли колхоз пахтазорига самолётларда дори сепилиб, ғўза зараркунандаларига қирон келтириляпти. Юқоридаги суратда эса (чапдан) экипаж аъзолари бортмеханик Михаил Пак, техник Қодир Машарипов, экипаж командири Валерий Данилович, агроном-энтомолог Ўлмас Маннонов ва учувчи Евгений Усов ўртоқлар учиш маршрутини аниқлашяпти.

А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ).

ТУРМУШ МАДАНИЯТИГА — ПАРТИЯ ҒАМХЎРЛИГИ

13 июнь куни КПСС Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида аҳолининг турмуш маданиятини ошириш республика кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда социал-тараққиёт, меҳнаткашларнинг маданий даражасини ўстириш масалалари кўриб чиқилди. Булар СССР янги Конституциясининг лойиҳасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссияси раиси ўртоқ Л. И. Брежнев докладида ўз ифодасини топган.

Кенгаш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика колхоз ва совхозларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори областда қандай бажарилаётганлиги ҳақида Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуровнинг докладини тинглади.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов кенгаш мажлисида уй-жой фондини, маданий-маиший ва жамоат биноларини сақлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида ахборот берди.

Кенгаш республика шаҳарларида ва қишлоқ жойларида кооператив уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Д. Мухортов ва «Узколхозстрой» бирлашмасининг раиси И. А. Ашуров доклад қилдилар.

Ш. Р. Рашидов мажлисда сўзлаган нутқида КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорлари, СССР янги Конституциясининг лойиҳаси турмуш маданиятини ҳар томонлама оширишни талаб қилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Республикада бу соҳада ҳозиргача кўп иш қилинди, лекин олдимизда янада катта ишлар турибди. Ш. Р. Рашидов қишлоқ жойларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни яхшилаш, кооператив уй-жой қурилишини ривожлантириш, республика шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг турмуш маданиятини ошириш билан алоқадор масалаларни муваффақиятли ҳал этилиши ўзларига боғлиқ бўлган ташкилотлар ва идораларнинг вазифаларига тўхталиб ўтди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилинди. Бу тавсияларда КПСС XXV съезди қарорлари, СССР янги Конституциясининг лойиҳаси асосида республика шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш программаси белгилаб берилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ УЧУН МУКОФОТ

Республика пойтахтидаги қурувчиларнинг катта бир группаси 13 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тўпланишди. Улар 1976 йилги давлат топшириқларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари учун ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишган. Бу ерда тантанали вазиятда уларга СССР орден ва медаллари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов ўрнак кўрсатган ўртоқларга мукофотларни топшириб, уларга ишларида янгидан-янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилади.

(ЎзТАГ).

КУН ТАРТИБИДА — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ

КПСС Марказий Комитетининг пропагандистлар группаси Ўзбекистонга келди. СССР янги Конституциясининг лойиҳасини, партия Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссияси раиси ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги қоидалар ва хулосаларни меҳнаткашларга тушунтириш юзасидан республика партия ташкилотлари олиб бораётган ишда қатнашади.

13 июнь куни Тошкентдаги Билим уйида КПСС Марказий Комитети пропагандистлар группасининг аъзолари иштирокида идеология ходимлари активининг семинар-кенгаши ўтказилди. СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, юридик фанлар доктори В. А. Патюлин СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социализм давлатининг асосий қонуни тўғрисида, СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, юридик фанлар доктори В. М. Савицкий СССР Конституциясининг лойиҳаси ва социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш проблемалари ҳақида, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг лектори Г. В. Сапов КПСС иқтисодий сиёсатининг актуал масалалари тўғрисида, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходими Г. М. Шапкин халқаро аҳвол ҳақида тўпланганлар ҳузурида лекция ўқидилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада медицина фанини ривожлантириш ва медик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедрасининг мудири Маҳамаджон **Комиловга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми педагог кадрлар тайёрлаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун В. И. Ленин номли Хоразм давлат педагогика институтининг кафедра мудири Эрка Юсупович **Урозова** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ маорифини ривожлантириш ва ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун врачлар малакасини ошириш Қашқадарё область институтининг директори Абдулла **Фаттоевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони берди.

ЭКОНОМИСТЛАР МАСЛАҲАТЛАШМОҚДАЛАР

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий ишни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини янада ўстириш масалалари юзасидан Тошкентда республика кенгаши бўлиб ўтди. Республика қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев кенгашда доклад қилди.

Кенгаш ишида хўжаликларнинг бош бухгалтерлари, қишлоқ хўжалиги бошқармалари раҳбарлари, министрликнинг етакчи мутахассислари иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Социалистик мамлакатларнинг СССРдаги элчихоналари матбуот атташеларидан бир группаси Тошкентга келди. Дипломатик ходимлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги бағрамига тайёргарлик муносабати билан Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йилларида содир бўлган социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар билан, коммунистик қурилишда, КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда республика меҳнаткашларининг эришган муваффақиятлари билан танишадилар.

Меҳмонлар В. И. Ленин номли Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг ҳушманзара жойларини, унинг янги уй-жой кварталларини кўздан кечирдилар, «Ташсельмаш» заводида, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлишди. Социалистик мамлакатлар элчихоналарининг матбуот атташелари Ўзбекистон Журналистлар союзида Тошкентнинг етакчи журналистлари билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ИСТИҚБОЛ УФҚЛАРИ

Мамлакатимиз меҳнаткашлари СССР Конституцияси лойиҳасини атрофлича муҳокама қилмоқдалар. Ўзларининг конкрет таклиф ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Шундай бўлиши табиий. Бахтимиз, порлоқ истиқболимиз қомуси бўлган СССР Конституцияси лойиҳасини институтимизда бўлиб ўтган митингда коллективимиз қизғин муҳокама қилди. Унинг ҳар бир моддаси зўр ифтихор ва ғурур билан маъқулланиб, якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси шундай имкониятлар ва ҳуқуқлар берилган буюк Советлар мамлакатининг граждани эканлиги билан фахрланмоқда.

Жонажон Коммунистик партия ва Совет давлати доҳий В. И. Ленин васиятларини амалга ошириб, Ўзбекистонни социализмнинг Шарқдаги машъалига айлантирдилар.

Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолаверади. Ўтмишда аҳолиси деярли саводсиз бўлган ўлка эндиликда ялпи саводхон республикага айланди. Экономикаси, фани ва маданияти барқ урди ривожланмоқда. Республикамизда қўплаб илмий муассасаларда 31 мminг илмий ходим ишлаб турибди, улар қиқрдан ортиқ миллат вакилидир. Республика олимларининг фаннинг турли йўналишларида қўлга киритган ютуқлари Иттифоқ ва жаҳон миқёсида эътироф этилган.

Маълумки, фаннинг кучи — ишлаб чиқаришда. Шундай бўлиши табиий бир ҳол. Чунки, фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланмоқда. Партия ва ҳукуматимиз илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, уни тинмай ривожлантириш учун маблағ ва ёрдамни аямаяптилар.

Эндиликда илмий тадқиқотларнинг мезони унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳисобланади. Шундай экан, илмий муассасалар ишлаб чиқариш билан янада яқиндан боғланиб, ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришлари ҳаёт тақозоси бўлиб қолди. Г. С. Зайцев номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти коллективи ўз фаолиятида ана шу юксак талабга оғишмай амал қилиб келмоқда.

Халқ хўжалигининг пахтага бўлган эҳтиёжи йил сайин ортиб бормоқда. Пахта толасига юксак талаблар қўйилмоқда. Эрта пишар, юқори ҳосил берадиган, қурғоқчиликка чидамли, ҳашаротларга ва касалликларга чалинмайдиган, юқори сифатли тола берадиган, шўрдан қўрқмайдиган, барги табиий тўкиладиган, чигити кўп ёғ берадиган ғўза навларини яратиш биз селекционерлар олдида турган муҳим вазифадир. Шуни назарда тутиб, институт уруғлик пахта етиштирадиган колхоз ва совхозлар билан яқиндан алоқа ўрнатган. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Шу кечакундузда республикамизда 150 минг гектардан зиёд майдонни эгаллаган «Қизил Работ» навининг районлаштирилиши бунинг яққол мисолидир. Ғўзанинг мазкур нави толаси жиҳатидан V типга кириб, саноат корхоналарида унга эҳтиёж катта.

Айни вақтда ипак пахтага бўлган талаб эса йилдан-йилга ортиб бормоқда. СССР Давлат мукофоти лауреати Ю. П. Хуторной раҳбарлигида яратилган навлар республикамиз ташқарисида ҳам маълум. Исланувчан селекционер бошчилигидаги лаборатория ходимлари бу борадаги ишларни тинмай давом эттирмоқдалар. Ҳозир биринчи тип толали ипак пахтанинг янги «С-6037» нави районлаштирилган. Биология фанлари кандидати Ф. М. Войтенок бошчилигида яратилган ўрта толали ғўзанинг «С-2602» нави бу йил республика колхоз ва совхозларида экилди, у ҳам районлаштирилди. Толаси I, II, III, IV, V типга киридиган ғўзанинг янги-янги навларини яратиш шу соҳа мутахассислари олдида турган муҳим вазифадир. Бу навлар халқ хўжалиги талабларига тўла жавоб бериши лозим. Қолаверса, яратиладиган янги навлар машиналар билан теришга мос бўлиши шарт.

СССР Конституциясининг лойиҳасида мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш ўз ифодасини топганлиги ниҳоятда қувончлидир. 26-моддада «Давлат жамиятнинг эҳтиёжларига мувофиқ фанни планли равишда ривожлантиришни ва илмий кадрларни тайёрлашни таъминлайди, илмий тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига жорий этишни ташкил қилади», дейилган.

Халқ хўжалигининг барқ уриб ривожланиши, ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти илм-фан олдига кундан-кунга янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Бу ҳол эса фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини муттасил мустаҳкамлаб боришни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам СССР Конституциясининг 26-моддаси янада равшанлантирилса. Унда **«Фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлайди, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш мақсадида фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлайди»**, деган фикр ҳам акс эттирилса, айни муддао бўлар эди. Агар мазкур фикр Конституцияда ўз ифодасини топса, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда баъзан учраб турадиган айрим сансалорлик ва бепарволик ҳолларига чек қўйилган бўларди.

Институтимиз коллективи СССР Конституцияси лойиҳасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, бахт қомусида қўйилган вазифаларни бажаришга, мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этиш учун курашга муносиб ҳиссасини қўшади.

Содиқ МИРАҲМЕДОВ,
Г. С. Зайцев номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти директори, ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси, СССР Давлат мукофоти лауреати.

МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ РАВНАҚИ

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР янги Конституцияси лойиҳасининг сатрларини фахрланмай, ҳаяжонланмай ўқиб бўлмайди. Бу лойиҳа Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи йилида, совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун зўр матонат билан меҳнат қилаётган бир пайтда муҳокамага қўйилганлиги қувончлидир.

СССР Конституцияси лойиҳаси халқимиз ҳаётининг ҳамма томонларини чуқур акс эттиради. Лойиҳани умуман, маъқуллаш билан бирга айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Менимча, халқ депутатлари Советлари ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги қисмини, жумладан, 105-моддани **депутатлар бир йилда сайловчилар олдида неча марта ҳисоб беришини аниқ белгиловчи сўзлар билан тўлдириш** мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса, депутатлар ўз сайловчилари олдида белгиланган вақтда ҳисоб бериб турадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сайлов системасини янада демократлаштириш масаласини қўйди. Совет воқелиги аҳолининг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг хилма-хил формаларига жуда бойдир. Чунки бизнинг бошқариш системамиз ғоят демократизми билан ажралиб туради. Айрим масалалар, мисол учун олганда, депутатликка номзодлар кўрсатиш, айниқса, Иттифоқ Олий Советига, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларига, область, шаҳар ва район Советларига номзодлар кўрсатиш масаласини қайта қараб чиқмоқ керак. Бу масалани ўртага ташлаётганимизнинг сабаби шундаки, мамлакатимиз саноат ва қишлоқ хўжалиги гуркираб ривожланди. Эндиликда завод ва фабрикаларда, муассасаларда, бошқа территориялардан келган кишилар ҳам ишлашади.

Мисол учун Тошкент тўқимачилик комбинатини оладиган бўлсак, бу ерда меҳнат қилаётганлар шаҳардаги тўққизта районнинг турли бурчакларидан ва Тошкент областидан келадилар. Амалда эса бу комбинат ишчилари ва хизматчилари ўзлари ишлаётган жойдаги сайлов округидан депутатликка номзод кўрсатадилар. Бироқ, овоз бериш яшаш жойларида бўлганлиги учун ўзлари кўрсатган номзод учун эмас, балки бошқа номзод учун овоз берадилар. Шу тариқа депутатнинг сайловчилар билан алоқасида қандайдир номутаносиблик вужудга келади. Масаланинг бошқа томонини олиб кўрайлик. Депутатлар одатда ўз фаолиятларни тўғрисида завод, фабрика ва муассасаларда ҳисоб берадилар. Ҳолбуки, депутатнинг номзоди шу завод, фабрика ёки муассасадан кўрсатилган бўлишига қарамай, сайловчилар шу номзод учун эмас, балки ўз яшаш жойларидаги бошқа номзод учун овоз берган бўладилар.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга оладиган бўлсак, депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳақида, шунингдек, депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши вақтида территориал ва ишлаб чиқариш принципларини бир-бирига уйғунлаштириш масаласига эътиборни қаратиш вақти келмадимикин? «СССР да меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида, юқорида айтганимиздек, территориал ва ишлаб чиқариш принципларини бир-бирига уйғунлаштириш кўзда тутилган. Бу моддада депутат номзодини кўрсатган коллективлар ва жамоат ташкилотларининг ёки яшаш жойида сайловчилар йиғилишининг талабига мувофиқ депутатнинг ҳисоботини ҳоҳлаган вақтда ўтказиш мумкин, дейилади.

Советларнинг ўз вазифаларини мувафақиятли бажаришлари кўп жиҳатдан депутатлар активлигига боғлиқдир. Ҳар сайловда ишчилар, колхозчилар, меҳнаткаш зиёлиларнинг энг яхши вакиллари сайланиши ҳисобига Советлар янги кучлар билан тўлдириб борилади. Бу эса Советлар фаолиятини активлаштириш, хўжалик ва социал-маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда уларнинг ролини ошириш имконини беради. Депутатликка номзодлар кўрсатиш вақтида номзодларнинг жамоат ва давлат ташкилотларидаги иш тажрибасини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Лойиҳада маҳаллий Советлар депутатлари икки ярим йил муддатга сайланиши кўрсатилган. Икки ярим йил унча катта муддат эмас. Бу вақт ичида депутатлар Советларнинг ташкилий-оммавий ишларини ўрганиб оладилар. Улар депутатлик фаолиятини яхши ўрганиб, ўз депутатлик бурчларини амалда актив бажаришлари учун, бизнингча, бу муддат етарли эмас. Шунинг учун ҳам, **маҳаллий Советларга депутатлар уч ёки тўрт йил муддатга сайлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.**

Лойиҳанинг одил судлов, арбитраж ва прокурор назорати бўлимида социалистик қонунчиликни бошқариш соҳасида жамоат ташкилотларининг роли тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, **ўртоқлик судлари тўғрисида ҳамда социалистик қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда жамоат ташкилотларининг роли тўғрисида махсус боб киритилишини таклиф қиламиз.**

Б. САМАРХЎЖАЕВ,
юридик фанлар кандидати.



СССР Конституцияси лойиҳаси биринчи сатридан бошлаб то сўнгги жумласига қадар меҳнаткашлар турмуш даражасини тўхтовсиз ошириш тўғрисида, бизнинг совет социалистик демократиямизни янада ривожлантириш ҳақида партиямиз кўрсатаётган жуда катта ғамхўрлик билан йўғрилган. Шунинг учун ҳам серқуёш республикамиз меҳнат коллективларида лойиҳа муҳокамаси конкрет амалий ишлар билан уйғунлашиб кетмоқда.

Андижон область колхозлараро қурилиш идорасига қарашли 9-кўчма механизациялашган колонна бинокорлари ана шундай коллективлардан биридир.

Суратларда: чапда — «Облколхозстрой»га қарашли 9-кўчма механизациялашган колонна бунёдкорларидан участка бошлиғи Т. Ҳайдаралиев, комплекс бригада бошлиғи М. Султонов ва илғор ишчи С. Қосимов; ўнгда — бинокорлар Пахтаобод районидаги «Андижон» колхозида қурилаётган ана шу мактаб биносини муддатидан илгари, янги ўқув йили бошлангунча фойдаланишга топширишмоқчи.

А. Кудряшов фотолари.

19 ИЮНЬ
маҳаллий советларга сайловлар куни

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

МОҲИР МАСТЕР

1970 йилда Хўжайли кийим тикиш фабрикасида гилам тўқиш цехи очилди. Амет Нуримбетов шу кундан бошлаб мастер бўлиб ишлай бошлади. У шу цехнинг бешигини етти йилдан бери тебратади. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги унинг шогирдлари. Мастер А. Нуримбетов ўзининг гилам тўқиш соҳасида тўплаган тажрибасини шогирдларига сидқидилдан ўргатмоқда.

Цехдаги ишчилар орасида умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб меҳнат қилаётганлар сафи кун сайин ортмоқда. Унинчи беш йилликнинг иккинчи йили яхши ютуқлар билан бошланди. «Қолоқларсиз ишлаш» — цех тўқувчиларининг асосий шиори бўлиб қолди. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги юбилейи кунигача йиллик план ва мажбуриятларни бажаришга аҳд қилганлар. Утган тўрт ой мобайнида 2728 квадрат метр гилам тўқилди. Май ойида эса 550 квадрат метр гилам ва полос тайёрланди.

Илғор тўқувчилар бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш учун мусобақани авж олдирмоқдалар. Гулзамира Худойберганова, Ободон Бекмуродова, Жумагул Ўтепова, Ширин Мамутова, Бибиойша Исмоилова каби тўқувчилар ана шулар жумласиндадир. Улар смена нормаларини 180-220 процент ado этиб, мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Цех коллективи юбилей йилида планга қўшимча 150 квадрат-метр, хаммаси бўлиб 8650 квадрат-метр гилам ва полос тўқишга аҳд қилганлар. Улар ана шу мажбуриятларга яраша меҳнат қилмоқдалар. Мастер Амет Нуримбетов эса цех коллективи олдида турган вазифаларни бажариши учун бошқош бўлмоқда.

Корхона ишчи ва хизматчилари 6-сайлов округидан Хўжайли шаҳар Совети деупататлигига меҳнатсевар, илғор гилам тўқувчи мастер Амет Нуримбетов номзодини кўрсатишди.

Актив жамоатчи, коллектив ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлаётган А. Нуримбетов ўз сайловчиларининг ишончини оқлайди, меҳнатда шахсий намуна кўрсатаяпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Якинда Л. Н. Смирнов раислигида СССР Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан татбиқ этилиши практикаси тўғрисида СССР Олий суди раисининг ўринбосари В. В. Куликовнинг докладини муҳокама қилди. Пленум шу масалани муҳокама қилган пайтда атроф муҳитни қўриқлаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш соҳасида кенг иш программасини белгилаб берган КПСС XXV съезди қарорларини назарда тутди.

Пленум ўз қарорида судларга табиатни қўриқлашда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, табиий ресурслардан авайлаб фойдаланиш, ер, унинг бағридаги бойликларни, ўрмон ва сувни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга қаттиқ риоя қилишни назарда тутиш вазифасини юклади. Бу эса халқ хўжалик планларининг муваффақиятли бажарилиши ва совет кишилари фаровонлигини таъминлайдиган шарт-шароитлардан биридир. Пленум судлардан табиат объектларини жиноий тарзда ўзлаштиришнинг олдини олиш ва ундан огоҳлантириш мақсадида қатъий чоралар кўришни талаб қилди. Ўзига бўйсунувчи ходимларга табиат объектларига катта зарар етказилишига сабаб бўладиган тамомила ғайри қонуний фармойишлар бераётган корхона ва ташкилотлар манфаатдор шахсларининг масъулиятини ошириш зарурлигига алоҳида эътиборни жалб этди. Шундай ҳаракатлар натижасида етказилган моддий зарарни айбдорлардан тўла равишда ундириб олишни таъминлаш муҳим эканлиги таъкидланди. Судлар айбдор шахсларга нисбатан қонунда кўзда тутилган жиноий жазо чораларини қўлланиб, ҳар бир конкрет ҳолда бу кишиларни мазкур лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишлари лозим.

Пленумнинг қарорида табиатни қўриқловчи органларнинг ва жамоатчиликнинг вакилларига қаршилик кўрсатувчи ёки бу кишиларга жиноий ҳамла қилувчи қонунбузарларнинг ҳаракатларини қандай баҳолаш тўғрисида тушунтириш берилади. Ўқтириб ўтилдики, жиноий ҳамланинг олдини олишда, шунингдек жиноятчини ушлаб олишда қатнашган табиатни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва гражданларнинг ҳаракатлари қонуний бўлиб, улар жиноий ёки бошқа хил жавобгарликка тортилмайди.

Пленум СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг раиси, юстиция генерал-майори Г. И. Бушуевнинг доклади юзасидан ҳарбий коллегиянинг ўтган беш йил мобайнидаги иши тўғрисидаги ҳисоботни тингладди.

Пленум судларнинг гражданлик ишини кўриб чиққан вақтда процессуал қонунларни татбиқ этиш практикаси тўғрисида СССР Олий судининг аъзоси П. Я. Трубниковнинг докладини кўриб чиқди ва судларга тегишли йўл-йўриқлар берди.

Пленум шунингдек, граждан ва жиноий ишлар юзасидан суд қарорларига СССР Олий суди раиси ва СССР Бош прокурорининг протестларини кўриб чиқди.

Пленум ишида СССР Бош прокурори Р. А. Руденко қатнашди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ДОСААФ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ:

Газетхон Ю. Машариповнинг Тошкентдаги «ДОСААФ» меҳмонхонасида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ёзган хати текширишда тасдиқланди.

Хатда келтирилган фактлар меҳмонхона маъмурияти ва касаба союз ташкилотида муҳокама қилинди. Меҳмонларга маданий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш чоралари белгиланди. Ўз бурчига совуққонлик билан қараб, меҳмонларга қўпол муомалада бўлган З. Карпова жиддий огоҳлантирилди. Меҳмонхонада телевизорлар сони, маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари кўпайтирилади. Меҳмонхона фаолияти республика ДОСААФ Марказий Комитети томонидан назоратга олинди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИР АВТОТРАНСПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШ БОШҚАРМАСИ: Тошкентлик бир группа студентлар 26 ва 61-автобус маршрутларида рўй бераётган камчиликлар (графикка амал қилмаслик, пассажирлар билан қўпол муомала)ни очиб ташлашган эди.

Хатдаги фактлар текширилганда газетхонлар эътирози асосли бўлиб чиқди. Иккала маршрут коллективи мазкур хатда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва пассажирларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб олди. Маршрутдаги автобуслар ҳаракати доимий назорат остига олинди. Ҳозир автобуслар қатнови график бўйича йўлга қўйилган.

ОКТЯБРЬ ВА ИНСОН ТАҚДИРИ

САДОҚАТ

Башарият доҳиси Владимир Ильич Ленининг табаррук номи жаҳондаги барча халқларга азиз ва қадрдондир. Ўзбек халқининг, шу жумладан Хоразм меҳнаткашларининг ҳам ўз доҳийси ва севикли устозига муҳаббати, садоқати беқиёсдир.

Доҳий меҳри бу воҳадаги ҳар бир меҳнаткашнинг қонижонига сингиб кетганлиги бежиз эмас. Чунки, шарқдаги мазлум халқларнинг тақдири ва келажагига Ильич алоҳида эътибор билан қ а р а д и. РСДРП(б)нинг 1917 йил апрель конференциясида сўзлаган нутқида у Хева деҳқонининг Хева хони зулмидан революция туфайли озод бўлиши ҳақида башорат берганди.

Хонлик тузумига қарши курашга кўзғолган халқ оммаси Совет Россиясидан халоскорлик ёрдамини сўради. 1919 йил 5 мартда Тўрткўл Советидан Москвага, В. И. Ленинга йўлланган телеграммада Хева аҳолиси босмачилар шайкаси террори остида азоб чекаётганлиги, Совет қўшинларининг ёрдамга келишини сабрсизлик билан кутаётганлиги айтилганди. Халқнинг бу иродаси рўёбга чиқди, қизил қўшинлар оммасининг революцион курашида мададкор бўлди ва 1920 йил февралда Хоразмда инқилоб тонги отди.

1920 йилнинг 22 апрелида Хоразм Халқ Совет Республикасининг биринчи қурултойи В. И. Ленинга юборган табрик хатида бундай деб ёзган эди: «Хева республикасининг меҳнаткаш оммаси бугун Россия ва бутун дунё пролетариати билан биргаликда ишлаш йўлига кирмоқда ва Шарқнинг яқинда муқаррар равишда озод бўлишига ҳамда социалистик йўлга киришига қаттиқ ишонади».

Бу ишонч амалда рўёбга чиқиши, халқлар дўстлиги ва қардошлиги қарор топишда Ленин ғоялари илҳомбахш дастур бўлди. 1920 йил июль ойида Хоразм Халқ Совет Республикасининг адлия нозири Бобоохун Салимов бошчилигидаги делегацияси Москвада бўлиши ва В. И. Ленин томонидан қабул қилиниши муҳим воқеа сифатида тарихга кирди. Уша вақтда тузилган шартномага кўра, РСФСР Хоразмга 500 миллион сўм миқдорда субсидия берган. «Известия» газетасининг 1920 йил 31 июль 167-сонида босилган мақоласида Хоразм делегацияси бошлиғининг қуйидаги сўзлари келтирилади: «Бизнинг кичик Совет республикамиз РСФСРни ўз оғаси деб ҳисоблайди. Меҳнаткашлар ҳокимиятини енгадиган куч дунёда йўқ!».

Ҳа, Хоразмда халқ ҳокимияти мустаҳкамланиб, янги ҳаёт қуришда олға томон зафарли юриш бошланди. Халқ революциясининг икки йиллигини нишонлаш, меҳнат қаҳрамонларини шарафлаш мақсадида 1922 йилда Меҳнат ордени таъсис этилди. Биринчи орденни В. И. Ленинга беришга қарор қилинди. Хоразм Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия комитети доҳийга йўллаган хатда: «Сиз қадрли ва севимли устозимиздан Марказий Ижроия Комитетининг қарорига мувофиқ ана шу орденни олишни ва Шарқда кўп асрлик қулликдан озод бўлган меҳнат рамзи сифатида тақиб юришингизни сўраймиз» дейилган эди. Бу мукофотда эксплуатация зулми остида асрлар бўйи эзилган меҳнаткашларнинг ўз йўлбошчисига самимий ташаккури ёркин ифодасини топди.

Хоразм меҳнаткашларидан В. И. Ленинга ёзилган хатлар революция ва социализм ишига, революция доҳисига ва у туғган Коммунистик партияга битмас-туганмас садоқат руҳи билан суғорилган. Хоразм комсомолининг II съезди табрикномасида: «Шарқ ёшлари ўз устозларини жуда севадилар ва ўзларининг шонли раҳбарига муносиб бўлишга интиладилар» дейилган бўлса, Хевадаги партия мактабининг битирувчи курсантлари: «...Инсониятнинг бахт-саодати учун кураш олиб бориш мақсадида Сиз кўтарган байроқни баланд кўтарамиз», деб доҳийга таҳтанали ваъда берадилар. 1924 йилнинг 24 январида Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукуматидан Г. В. Чичерин номига юборилган телеграммада доҳий вафоти муносабати билан чуқур таъзияни, Ленин васиятларига содиқ бўлиш ҳақида халқ қасамёди каби оташин сўзларни ўқийсиз. Меҳнаткаш халқнинг доҳий В. И. Ленинга меҳр-муҳаббатини шоир ва фозиллар қуйидаги сатлар ила таранним этганди:

Эзилган халқ учун ҳурликни,
бунёд айлаган Ленин.
Зулмдан барча
мазлумларни,
озод айлаган Ленин.
Қилиб йўлбошчилик
йўқсилларга,
чин Инқилоб айлаб,
Бузиб хонларни тахтин
тамом,
барбод айлаган Ленин...

Уша вақтда Хоразм Халқ Совет Республикасининг РСФСРдаги мухтор вакили орқали машҳур рус ҳайкалтароши С. Меркуровга доҳийнинг ҳайкалини яратиш ҳақида заказ берилди. Гранитдан тайёрланган бу ҳайкал Москвадан Чоржўйга қадар поездда, Чоржўйдан Амударё ва Полвон канали орқали Хевага келтирилган. Улуғ доҳий вафотининг бир йиллиги муносабати билан ҳайкални очиш тантанали маросими ўтказилди. Шу вақтдан буён ҳайкал ёнидан кишилар аримайди, бу жой халқ зиёратгоҳига айланган. «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализминнг тантанаси» мавзуида Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси қатнашчиларидан бир группаси Хевада бўлиб, В. И. Ленининг Шарқдаги илк ҳайкалларидан бири бўлмиш бу ёдгорлик ёнига гуллар қўйишди. Меҳмонлар орасида Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди ҳам бор эди.

Ҳозирги кунда Хоразмда доҳийга ўрнатилган обидалар кўп. Урганч Қизил майдондаги халқ тантаналари, байрамлар, унутилмас воқеалар бу ердаги доҳий монументига гуллар қўйишдан бошланади. Шаҳардаги тикув фабрикаси, педагогика институти, ўрта мактаб Ленин номи билан аталади. Шаҳар ва қишлоқларнинг ҳар бирида Ильичнинг нурли сиймосига кўзингиз тушади.

В. И. Ленин ва Октябрь туфайли Хоразмда инсон қадр топди. Меҳнати рўшно бўлди. Елкасига офтоб тегди Бахти кулди Шу боисдан ҳам кўкси узра улуғ Ленинни мағрур кўтариб юришади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари боғотлик Зарип Раматов, хазорасплик Матёқуб Матназаров, Салой Худойқулов, шовотлик Ободон Дўсова, қўшкўпирлик Ғулжон Нуруллаева, хонқалик Қилич Давлатов, гурланлик Ешимбет Собиров, Хайитжон Эргалиев каби машъал пахтакорлар, шоликорларнинг кўксида Ленин ордени ва Олтин Юлдуз медали порлаб турибди Улар юбилей йилида зиммаларига айниқса юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Доҳийга энг муносиб обида — Улуғ Октябрь ғояларининг тантанаси, коммунистик қурилишда қўлга киритилган зафарлар ва олға томон қўйиладаётган забардаст қадамларда яққол гавдаланади. Булар — янги Хоразмнинг бугунги кўркам қиёфаси, область байроғидаги Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени, меҳнатдаги довруғидир. Булар — беш йилликларнинг гигантлари; темир йўл, газ магистраллари, қудратли саноат корхоналари, улкан Туямўйин гидроузели, равнок топган қишлоқ хўжалиги, маданий революциядир. Булар ичида энг асосий, бебаҳо бойлик — Ленин партияси баркамол қилган янги кишилардир. Ана шу олтин қўлли кишилар, юксак ғоявий эътиқодли, коммунистик ахлоқли ажойиб одамлар партиямиз режаларини муваффақиятли суратда амалга оширмоқдалар. Уларнинг зафарли йўлини ўлмас Ленин ғоялари, КПСС XXV съезди қарорлари машъалдек ёритиб турибди.

Т. НАЗИРОВ,
Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Оламда нима гап

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ОЛДИДАН

ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕНГ ЙЎЛИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган расмий визити шу кунларда Франция жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бу ердаги газеталарнинг саҳифаларида, сиёсий ва жамоат арбобларининг, мамлакат савдо-саноат доиралари вақилларининг баёнотларида олий даражадаги янги Совет — Франция учрашуви ҳар иккала мамлакат ўртасида халқаро миқёсда ҳам, шунингдек икки томонлама муносабатлар доирасида ҳам ўзаро фойдали, анъанавий ҳамкорликни чуқурлаштиради ва кенгайтиради, деб ишонч билдирилмоқда.

Шу муносабат билан бу ерда кўп томонлама ва самарали Совет — Франция ҳамкорлиги ҳар иккала давлат халқларининг туб манфаатларига мос эканлиги, шунингдек Европа қитъасида ва ундан ташқарида халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилиши таъкидлаб ўтилмоқда. СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик бой анъаналарга таянади. Бу ҳамкорлик олий даражадаги мунтазам учрашувларни, ўзаро муносабатларни чуқурлаштириш ва муҳим халқаро масалалар тўғрисида фикрлашиб туриш мақсадида доимий сиёсий маслаҳатлашувларни назарда тутади.

Париждаги «Фигаро» газетаси халқаро сиёсатнинг бир қанча асосий проблемалари тўғрисида, жумладан, Яқин Шарқ проблемаларини тинч ҳал этиш масаласи тўғрисида СССР билан Франциянинг нуқтаи назарлари бир-бирига мос ёки бир-бирига яқин эканлигини уқтириб ўтиб, қуйидагиларни ёзади: «Генерал де Голль Франциянинг СССРнинг Ғарбдаги биринчи шеригига айлантиришга эришган тараққиётдан кейин Москва билан Париж ўртасида алоҳида муносабатлар қарор топди». Ҳар иккала мамлакат ўзаро алоқалар орқали «Умумевропа кенгашининг муваффақият қозонишига кўп жиҳатдан ёрдам бердилар», деб таъкидлайди газета. СССР билан Франция ўртасида кенг ва кўп томонлама алоқаларнинг ривожланиши «эндиликда табиий иш бўлиб қолди», деб ёзади Франциянинг «Монд» газетаси ва Совет Иттифоқи ҳамда Франция раҳбарларининг вақти-вақти билан учрашиб туришлари муҳим эканлигини таъкидлайди.

Париж газеталарининг обзорчилари бундан илгари, 1975 йил октябрь ойида энг олий даражада бўлиб ўтган Совет — Франция учрашувидан кейинги давр мобайнида ҳар иккала мамлакат ўртасида ҳамкорлик кенгайганлигига эътиборни жалб этмоқдалар. Шу муносабат билан, жумладан, СССР билан Франция ўртасидаги асосий шартномага мувофиқ ҳар иккала томон иноқлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштиришга, кескинликни юмшатишга янада барқарор тус беришга, уни конкрет мазмун билан тўлдиришга ва кескинликни юмшатишнинг жаҳондаги ҳамма районларга тарқалишига кўмаклашиш тўғрисидаги аҳдларини тасдиқлаганликларини уқтириб ўтади. Париж-нинг «Матэн» газетаси кескинликни юмшатишни мустаҳкамлашда, Европада ва бутун дунёда халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашда Совет — Франция муносабатлари муҳим роль ўйнашини уқтириб ўтиб, «Москва билан Париж ўртасида сиёсий ҳамкорлик йўли очилди», деб ёзади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган визити мамлакатларимиз халқлари ўртасида ҳамкорлик ва дўстликни ривожлантиришда янги босқич бўлади, деди Франция миллат мажлисининг Раиси Эдгар Фор ТАСС мухбири билан суҳбатда. У ҳозирги халқаро вазият Франция билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик формалари ва йўлларини излаб топиш учун алоҳида имконият беради, деб айтди.

Францияннг савдо-саноат доиралари иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг муваффақиятли ривожланаётганлигидан мамнун эканликларини билдирмоқдалар. Ҳозирги вақтда ҳар икки томоннинг кучғайрати савдо обороти 1975 — 1979 йиллар мобайнидаги беш йилликда икки баравар ва имконияти бўлганда уч баравар кўпайтириш тўғрисида 1974 йил декабрь ойида Рамбуйеда СССР билан Франция раҳбарлари эришган аҳдлашувни амалга оширишга қаратилмоқда. Франциянинг савдо-саноат доиралари бундай мақсадга бемалол эришиши мумкинлигини уқтириб ўтмоқдалар. Савдо-иқтисодий шартномаларнинг жиддий юридик базага эга бўлганлиги, бундай ҳамкорликнинг турли жиҳатларини белгиловчи бир қанча шартномалар, чунончи 1971 йил октябрь ойидаёқ 10 йил муддатга тузилган иқтисодий-техникавий ва саноат ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисидаги шартнома бу мақсадга хизмат қила олади.

Жумладан, 1976 йилнинг якунлари Совет — Франция савдо алоқаларининг муваффақиятли ривожланаётганлигидан далолат бериб турибди. Ўтган йил ичида СССРдан Францияга қилинган экспорт 32 процент, Франциянинг СССРга экспорти эса 8 процент кўпайди. Бу ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқ барқарорланиш тенденциясига эга эканлигини, бу эса ҳеч сўзсиз иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш жуда муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Совет — Франция савдо-сотиғининг ҳажми 1975 йилдагига нисбатан 1979 йилда 3 баравар ошади. Муътабар экспертларнинг бу фикрини ўтган йилнинг якунлари ва энг яқин давр учун тузилган шартномалар тасдиқлаб турибди, деди биз билан суҳбатда Франция — Совет савдо палатасининг раиси, миллат мажлиси депутати Р. Нюнжессер.

Ҳар икки томон учун фойдали ҳамкорлик ҳозирги вақтда жуда кўп тармоқларни — металлургия, газ, нефть химияси ва тўқимачилик саноатини, станоксозлик ва бошқа соҳаларни ўз ичига олмоқда, деб таъкидлади Р. Нюнжессер. Совет ташкилотлари билан Франция фирмалари ўртасида кейинги вақтларда ҳар иккала мамлакат экономикасининг энг муҳим тармоқларига тегишли бир қанча узоқ муддатли шартномалар тузилди. Фос-Сюр-Мэр шаҳридаги металлургия комбинати ва Франциядаги бир қанча тўқимачилик корхоналари совет ускуналари билан жиҳозланмоқда. СССРда тайёрланган металл қирқувчи станоклар, тракторлар, автомобиллар, фотоаппаратлар, радиоприёмниклар, соатлар Францияда кўпчиликка манзур бўлди. Совет Иттифоқи Францияга 25 йил мобайнида 80 миллиард куб метр табиий газ етказиб беради. Ўз навбатида Франция фирмалари Сибирдаги Усть-Илимск ўрмон саноати комплекси учун, Оренбургдаги газ тозалаш комплекси учун, ўғит, бошқа химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар учун асбоб-ускуналар етказиб беришда қатнашади.

Франциянинг савдо-саноат доиралари кенг миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишга ўтиш ҳозирги вақтда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг муҳим хусусияти эканлигини таъкидлаб ўтмоқдалар. Маълумки, Франция Совет Иттифоқи билан ҳамкорликнинг янги формаларини кенг ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатган ғарбдаги биринчи давлатлардан бири эди. Компенсация асосида корхоналарни қуриб бериш СССР экономикасини ривожлантиришга ёрдам беради. Айни вақтда бундай ҳамкорлик формаси Франция томонига ҳам наф келтиради. Франция экспертларининг фикрича, Совет Иттифоқининг берадиган катта буюртмалари Францияда ўн мminглаб меҳнаткашларга иш жойини сақлаб қолишга, Франция экономикасининг бир қанча тармоқларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга имкон беради. Француз асбоб-ускуналаридан фойдаланиб совет корхоналарида чиқариладиган маҳсулотнинг бир қисмини Францияга экспорт қилиш мулжалланган.

Франция билан СССР ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириш учун тузилган «Жизофра» иқтисодий бирлашмасининг бош директори Поль Нуаяк Франция билан Совет Иттифоқи ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли тарзда ривожланаётганлиги тўғрисида гапириб, бу соҳада ҳали фойдаланилмаётган жуда катта резервлар борлигини таъкидлади. Франция билан СССР ўртасида савдо алоқалари ҳар икки томонга наф келтиради, уни тўдан кенгайтириш керак ва бунинг учун имкониятлар бор, деди у.

Мамлакатимизнинг савдо-саноат доиралари, деди П. Нуаяк. Иккала мамлакат раҳбарларининг музокаралари Франция — Совет ҳамкорлигига, шу жумладан савдо-экономика соҳасида ҳам янги куч бағишлайди, деб ишонч билдирмоқдалар.

Франциянинг кенг жамоатчилиги, бу ердаги сиёсий доираларнинг намояндалари шу кунларда Франция билан СССР ўртасидаги муносабатларда ҳар икки томон учун фойдали самарали ҳамкорлик йўлида бой тажриба тўпланганлигини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган визити ва унинг Франция республикаси президенти В. Жискар д'Эстэн билан олиб борадиган музокаралари Франция — Совет ҳамкорлигини, тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш йўлида олға қараб қўйилган янги қадам бўлади, деб уқтириб ўтмоқда.

О. ШИРОКОВ,
(ТАСС мухбири).

Париж.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

БЕРЛИН. 12 июнь. (ТАСС). РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску бошчилигидаги Руминия партия-давлат делегациясининг ГДРга қилган дўстона расмий визити тугади.

ГБСП билан РКП, ГДР билан РСР ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва кардошларча ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида 10 июнь куни ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан Н. Чаушеску имзолаган декларацияда айтилдики, ГБСП билан РКП ҳамкорликни доимо ривожлантиришга қатъий бел боғлагалар. ГДР билан РСР партия-давлат делегациялари мамнуният билан қуйидагиларни таъкидладилар: социалистик мамлакатларнинг кучайиб бораётган қудрати, уларнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги интенсив фаолияти туфайли содир бўлаётган кенг кўламдаги революцион ўзгаришлар халқаро кучлар нисбатини тинчлик ва социализм фойдасига тубдан ўзгартиришга олиб бормоқда.

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ ИШИГА ХИЁНАТ

КОЛОМБО, 12 июнь. (ТАСС). Мао ўрнини олган ҳозирги Хитой раҳбарларининг сиёсати жаҳон халқларини жуда безовта қилиб, жиддий таҳликалар манбаи бўлмоқда. Бу — урушни пропаганда қилиш, қарбий васваса, игвогарликлар, экспансия, кўпорувчилик фаолияти, уччига чиққан антисоветизм сиёсатидир, деб ёзади «Атта» газетаси.

Маоизм Хитойнинг ўзига ҳам, халқаро аҳволга ҳам нақадар катта зарар келтирганлиги, гарчи мутлақо равшан бўлса ҳам, аммо Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари маоизм назарияси ва практикасига яна ёпишиб олдилар.

ХХР раҳбарларининг ишлари барча тинчликсевар кучларнинг ғайрат-ҳаракатларига тўсқинлик қилишга ҳамда кўпгина мамлакатлардаги коммунистик ва ишчилар ҳаракатига путур етказишга қаратилган.

Антикоммунизмга берилиб кетган Пекин учинчи дунё давлатларидаги ва ривожланган капиталистик мамлакатлардаги сўл экстремистик маочи ва фашист гуруҳларни жонжаҳди билан қўллаб-қувватламоқда, тинчлик, тараққиёт, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, ўзаро ҳамжиҳатлик душманлари билан актив ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳозирги Хитой амалдорларининг сохта революцион шиорлари ҳеч кимни чалғита олмайди, деб уқтирилади сўнгра газета шарҳида. АҚШ Марказий разведка бошқармасининг раҳбарлари маочи гуруҳларнинг фаолиятига қандай баҳо берганлиги диққатга сазовордир. Шу раҳбарлар ўз ходимларига юборган йўл-йўриқларидан бирида бу кучларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини, чунки улар «АҚШга душманлик позицияларида туриб ҳаракат қилаётган тараққиётпарвар кишиларга ва ташкилотларга» қарши курашнинг яхши воситаси бўлиб қолиши мумкинлигини айтганлар.

Хитой раҳбарларининг йўли тасодифий бир нарса эмас, деб таъкидлайди «Атта» газетаси пировардида. Бу—империализм кучлари билан маҳкам ҳамкор бўла бориб, пролетар интернационализми ишига қасддан хиёнат қилишдир.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ: КОМАРНО КЕМАСОЗЛАРИ СОВҒАСИ

Словакиянинг Комарно шаҳридаги кемасозлик корхонаси коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига яхши меҳнат совғаси тайёрлади. Кемасозлар 7 ноябргача Совет Иттифоқининг буюртмаси билан тайёрланаётган иккита пассажир теплоходини сувга туширадилар. Шунингдек бир неча буксир кемалар ва кўп чўмичли катта земснарядлар тайёрлаб берилади.

Комарно кемасозлик корхонасида катта муштарак байрамларни меҳнат зафарлари билан нишонлаш яхши одат бўлиб қолди. Бу корхона СССРнинг техникавий ёрдами билан қурилган ва унга Чехословакия — Совет дўстлиги деган ном берилган.

ПОЛЬША: ХИМИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

Польша химия саноатининг 500 минг кишилик меҳнаткашлар армияси химиклар кунини тантана билан нишонлади. Поляк химиклари бу йил пландан ташқари 700 миллион злотий миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. ПХР корхоналари кейинги йилларда ўз илмий-тадқиқот базаларини вужудга келтирганликлари, социалистик мамлакатларнинг ва биринчи навбатда, Совет Иттифоқининг корхоналари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилганликлари туфайли катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил давлат ПХР саноатининг шу тармоғини ривожлантиришга 42 миллиард злотий маблағ ажратди.

ЮГОСЛАВИЯ: МУВАФФАҚИЯТЛАР ЙИЛИ

Белград билан Бар ўртасида янги темирйўл фойдаланишга топширилган кундан бери шу йўл орқали 700 мингдан кўп пассажир ва 750 минг тоннадан зиёд юк ташилди. 476 километр узунликдаги пўлат излар жанубдаги фойдали қазилмаларга бой районларни мамлакатнинг шимоли-шарқидаги саноат марказлари билан боғлайди. Бу темир йўлнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳам катта. Июнь ойида Валево шаҳридан охирги пункт — Адриатикадаги Бар денгиз портигача бўлган сўнгги участкаси батамом электрлаштирилгандан кейин унинг халқ хўжалиги учун аҳамияти янада ошади.

ВЬЕТНАМ: ЭКСПОРТ УЧУН МОЛЛАР

Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати Вьетнам молларини экспорт қилишдан тушадиган маблағлардан анча қисмини мамлакатда социализмнинг моддий-техника базасини яратиш учун сарфламоқда. Чой, кофе, каучук, ёғочнинг баъзи қимматли навлари, денгиз маҳсулоти азалдан энг фойдали экспорт моллар ҳисобланади. Вьетнамлик усталарнинг кумушдан, фил ва тошбақа суягидан ясаган буюмлари, шунингдек санъат буюмлари чет элларда ғоят манзур бўлмоқда. Ҳозирги вақтда Вьетнам Социалистик Республикаси ўз молларини жаҳондаги 40 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилмоқда.

КУБА: «ИНТЕРКОСМОС» ПРОГРАММАСИГА МУВОФИҚ

Сантьяго-де-Куба шаҳри атрофида Ернинг сунъий йўлдошлари кузатиб туриладиган станцияда кучли лазер дальномери ишга туширилди. Унинг конструкциясини яратиш ва монтаж қилишда космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик «Интеркосмос» кенгашига аъзо бўлган Куба, СССР, ЧССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг мутахассислари қатнашдилар.

Дальномер ёрдамида йўлдошларнинг ўтган орбиталарини ҳамда вақтини ғоят аниқ ўлчаш, геодезик ва геофизик тадқиқотларнинг катта комплексини бажариш мумкин. (ТАСС).

РЕЙНИНГ ҚОЧИШИНИ КИМ ТАШКИЛ ҚИЛДИ?

НЬЮ-ЙОРК. Мартин Лютер Кингни ўлдирганлиги учун 99 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган Ж. Рей Теннесси штатининг «Браши маунтин» қамоқхонасидан жума куни кечқурун қочган эди. Икки кечаю икки кундуздан бери уни қидириш давом этмоқда. Рей билан кочган беш маҳбусдан икки кишини қидирув группаси қўлга олишга муваффақ бўлди.

Маҳаллий доираларда Мартин Лютер Кингнинг ўлдирилишига даҳлдор бўлган муайян кимсалар Рейни гумдон қилиш ва унинг такрорий суд мажлисида пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун шу қочишни ташкил қилганлар, деган фикр тобора зўр куч билан айтилмоқда, чунки Рей америкалик негрларнинг раҳбари ўлдирилишига сабаб бўлган кенг миқёсдаги фитнани рўй-рост айтиб беришим мумкин, деб шама қилган эди. (ТАСС).



УЗБЕКИСТОН ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Австрия миллий олимпия комитетининг президенти, Вена шаҳрининг вице-бургомистри Курт Хеллер бундай деди: «Биз Тошкентдаги барча спорт базаларида — бассейнларда, теннис кортларида, гимнастика залларида болалар шуғулланаётганлигини кўрдик. Бу — ёшларнинг уйғун камол топиши ва оммавий спорт тараққиётининг гарантияси бўлган кўпгина имтиёзлардан бири. Биз бунн Ўзбекистонда кўрдик.

Курт Хеллер, шунингдек Австрия миллий олимпия комитетининг бош секретари Петер Пилсль ва Австрия ишчилар спорт жамиятининг бош секретари Рудольф Спиола Тошкентдаги Герман Титов номли мактаб-интернатни бориб кўрдилар. Улар бу ерда ўқув корпусларини, медицина маркази, стадион, сузиш ҳавзалари, спорт заллари, бошқа иншоотларни кўздан кечирдилар. Бу ерда 120 педагог ва тренер раҳбарлигида 630 тарбияланувчи ўрта маълумот олади ва спортнинг ўзлари ёқтирган турлари соҳасида маҳоратларини оширади.

«Бу мактаб — оммавий спортни ривожлантириш тўғрисида, халқ саҳат-саломатлиги ҳақида давлат қилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир» дейди Курт Хеллер.

Австриядан келган меҳмонлар бундан аввал Москвада ва Таллинда олимпия комплексларининг қурилиши билан танишиб, 80-йилда ўтказиладиган олимпияда ташкилот комитети билан Австрия миллий олимпия комитети ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузадилар. [ЎзТАГ].

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Софиядаги «8 Март» тўқимачилик заводи ўзининг гулдор газламалари билан довруғ қозонган. Заводда ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг маҳсулотлар жаҳондаги йигирмадан зиёд мамлакатга етказиб берилмоқда. Яқинда корхонада янги гул босиш машиналари ишга туширилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга газмолларни янада сержило қилиш имконини бермоқда. Суратда: Георгий Самарев янги машинада ишламоқда.

И. Донов фотоси
(София Пресс агентлиги).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ИККИ ДУНЁ — ИККИ ДЕМОКРАТИЯ

СССР янги Конституцияси лойиҳасининг эълон қилиниши Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган шу йилдаги жуда катта воқеа бўлди. Бу лойиҳа умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳада мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги қайд қилинди, етук социализмнинг яхлит манзараси кўрсатиб берилди.

Аммо янги Конституциянинг аҳамияти шу билангина чекланмайди. У Совет халқи олтмиш йил мобайнида босиб ўтган йўлнинг улуғвор якунларини қайд қилиш билан қаноатланиб қолмайди. Конституция ғояларининг нури барча қитъаларга тарқалади, унда ифода этилган чин эркинлик, тенглик ва халқ ҳокимиятининг инсонпарвар идеаллари планетамиздаги барча халқлар учун машъал бўлиб хизмат қилади, келгусидаги турмуш тарзи сифатида қабул қилинади.

Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида таъкидлаб ўтганидек, «... Лойиҳада баён этилган янгиликнинг асосий йўналиши — социалистик демократияни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат». Дарҳақиқат, коммунизм бунедкорларининг асосий қонуни бўлмиш янги Конституция лойиҳаси давлатни бошқаришга халқ оммасини янада кенг жалб этишни, жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда ҳамма босқичдаги советларнинг ролини янада оширишни кўзда тутади. Энг муҳими шуки, бу қонун инсоннинг меҳнат қилиш ва дам олиш, илм олиш ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш ва қариганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи, уй-жойли бўлиш ҳуқуқи каби асосий ҳуқуқларини эълон қилибгина қолмай, уларнинг амалга оширилишини ҳам гарантиялайди.

Буржуа давлатларининг конституцияларидан биронтасида ҳам инсоннинг бунчалик кенг ҳуқуқлари баён этилмайди, бу ҳуқуқлардан баъзилари ҳужжатларсинга эълон қилинса ҳам, уларни амалга ошириш учун гарантия берилмайди. Унинг сабаби ҳам маълум. Капитализм кишиларни эксплуатация қилиш йўли билан энг кўп фойда олиш ҳуқуқини ҳар нарсадан аъло деб билади, шу сабабли инсон ҳуқуқлари билан монополияларнинг ҳуқуқлари бир-бирига тамомила зиддир.

Капитализм инсонни ҳатто энг оддий меҳнат қилиш ва тирикчилик қилиш учун пул топиш ҳуқуқи билан таъминлаб олмаслигини ҳаёт яққол кўрсатиб турибди. Қўшма штатларда етти миллион ишсиз борлиги буни яққол исбот этувчи далилдир.

Капитализм дунёсининг етакчи мамлакати деб ҳисобланган АҚШда бошқа асосий ҳуқуқлар ва эркинликларни таъминлаш соҳасида қандай аҳволни кўрамиз?

АҚШда 1964 йилдаёқ граждан ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун кучга кирган эди. Бу қонун гражданларнинг қандай ирқ ва қандай миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлишларини таъминлаши керак эди. Хўш, оқибат натижа нима бўлди? Неча ўн миллионлаб негрлар, мексикаликлар, пуэрториколиклар, индеецлар ва бошқа майда миллатлар аввалгидек ҳозир ҳам турли йўллар билан камситилмоқда, улар паст табақага мансуб гражданлар бўлиб қолмоқда. Америка жамияти аввалгидек ҳозирда ҳам ирқчилик руҳи билан суғорилган.

Шу пайтгача ҳатто расмий жиҳатдан ҳам тенг ҳуқуққа эга бўлмаган америка хотин-қизларининг аҳволи тўғрисида нима дейиш мумкин? Ниҳоят, АҚШ конституциясига киритилган ва шахснинг дахлсизлигини кўзда тутган 4-тузатишнинг тақдири нима бўлди? Вашингтон ҳукуматининг расмий доиралари ҳам бу тузатиш Марказий Разведка Бошқармаси ва Федерал Текшириш Бюроси томонидан кўп марта бузилганлигини тан олдилар. Марказий Разведка Бошқармаси ва Федерал Текшириш Бюроси мамлакатнинг ҳамма қисмида аҳолиқинг пайига тушиб, уни текшириб туриш ва жосуслик қилишнинг кенг системасини вужудга келтирдилар. Бу система неча ўн миллионлаб кишини қамраб олган.

Вашингтон социалистик мамлакатларда гўё «инсон ҳуқуқларининг бузилиши» кампаниясини авж олдириб юборганлигига америкаликлар асосий граждан ҳуқуқларининг сурбетларча поймол этилаётганлиги сабаб эмасмикин? Вашингтон раҳбарлари игвогарлик мақсадини кўзлаган ана шундай шовқин-суроронг билан қўшма штатларнинг ўзида полиция бебошлиги, ҳуқуқсизлик, бошқача фикр юритувчиларга қарши гиж-гижлашдан диққат-эътиборни четга тортишни истайдилар, деган таассурот пайдо бўлади. Бу уринишлардан ҳеч қандай натижа келиб чиқмайди!

СССР — ЯПОНИЯ: КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ

Шу кунларда Совет—Япония муносабатларида муҳим воқеа рўй берди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси бош редактори С. Хатанинг саволларига қайтарган жавоблари СССРда ва Японияда эълон қилинди. Жаҳон матбуоти ва жамоатчилиги бу жавобларни Совет Иттифоқининг изчил тинчликсеварлик сиёсатини ўтказиб келаётганлигини, барча давлатлар билан, уларнинг социал тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, ҳуқуқий жиҳатдан тенг яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга интилаётганлигини исбот этувчи далилдир, деб ҳисоблади.

Л. И. Брежневнинг жавобларида Совет—Япония муносабатларига катта эътибор берилган. Л. И. Брежневнинг очиқ кўнгил билан айтган гаплари Японияда катта қизиқиш туғдирди.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар кейинги вақтларгача анча ривожланган эди. Аммо Совет Иттифоқи билан Япония ўртасидаги яхши қўшничилик мухолифларининг ҳаракатлари натижасида кейинги пайтларда бу муносабатларга кўп зарар етказилганлиги сир эмас. Л. И. Брежнев айтганидек: «Совет—Япония» муносабатлари келажакда қайси йўлдан ривожланади: Бу муносабатлар яхши қўшничилик ва ҳамкорлик йўлидан борадими ёки келажакда албатта яна кескинлашадими?— мана шу масалани ҳал этишга тўғри келди. Менинг фикримча, ҳар икки томоннинг ҳаракати билан бирдан-бир тўғри йўл — ҳамкорликни янада ривожлантириш йўли танлаб олинди. Шу фактнинг ўзи ҳам... бизнинг муносабатларимиз бундан кейин ўтмиш нуқтаи назаридан эмас, балки келажакни ўйлаб тузилади, деб ишониш учун асос беради.

Бизнинг мамлакатларимиз ана шу позицияларга амал қилиб, май ойининг охирларида СССРнинг Тинч океан соҳилларидаги яқинида Японияннинг балиқ овлашини тартибга солувчи битимни имзоладилар, шундан кейин товар обороти ва тўловлар ҳақида беш йилга мўлжалланган учинчи битим имзоланди. Бу битим ҳар икки мамлакат ўртасида 1980 йилгача савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантириш учун асос яратиб берди. Янги битимга мувофиқ, савдо-сотиқ ҳажми 10 миллиард сўмликдан ҳам ошиб кетади, деб фараз қилмоқдалар.

Л. И. Брежнев ўзининг жавоб сўзларида таъкидлаб ўтганидек, Япония—Совет савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантириш, шу жумладан Узоқ Шарқ ва Сибирь табиий бойликларидан фойдаланишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик негизида бу муносабатларни ривожлантиришга ёрдам бериб, улар ўртасидаги муносабатларнинг муштарак иқлимини соғломлаштириш ҳам хизмат қилади, ўзаро ишончни чуқурлаштиради ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлайди.

Япониядагилар бу ҳақиқатни яхши англайдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг жавоблари эълон қилинганидан кейин Японияннинг таниқли касаба союз арбоби А. Иваи бундай деди: «мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш зарур эканлиги тамомила аёндир».

САЙЛОВ ЎТСА ҲАМ ПРОБЛЕМАЛАР ҲАЛ ЭТИЛМАЙ ҚОЛДИ

5 июнда Туркия парламентига муддатидан илгари сайлов ўтказилди. Бу сайловда оппозициячи халқ республикачилар партияси ғалаба қозонди ва ҳокимият тепасида турган адолат партияси маглубиятга учради. Аммо халқ республикачилар партияси парламентнинг куйи палатаси бўлмиш мажлисда мутлақ кўпчиликка эга бўлмаганлиги сабабли шу партиянинг раҳбари Б. Эжевит оғир проблемани ҳал этишга мажбур бўлади. Янги ҳукуматни тузиш унга топширилган. Халқ республикачилар партиясига 1974 йилда бўлгани каби бошқа бирон-бир сиёсий партия билан коалиция тузишга тўғри келади. Халқ республикачилар партияси парламентда мутлақ кўпчиликка эга бўлиши учун миллий нажот клерикал партияси билан ёки миллатчилик ҳаракати партияси билан коалиция тузиши мумкин эди. Миллий нажот партиясининг халқ-республикачилар партияси учун бир мунча мақбул шерик бўла олади. Бунинг боиси шуки, миллатчилик ҳаракати партияси халқ-республикачилар партиясининг энг ёвуз душманидир. Миллатчилар ҳаракати партияси ўта реакцион партия бўлиб, яқинда ўтказилган сайлов олди кампаниясидан илгари ҳам, шу кампания даврида ҳам ўнгларнинг авж олиб кетган террори учун жавобгардир.

Аммо миллий нажот партияси ҳам халқ-республикачилар партиясига мақбул шерик бўла олмаса керак. Гап шундаки, 1974 йилда халқ-республикачилари коалицияли ҳукуматга бошчилик қилган пайтда миллий нажот партияси уларнинг шериги бўлган эди. Лекин энг муҳим ички ва ташқи сиёсий проблемалар юзасидан улар ўртасида рўй берган ихтилофлар шу қадар кескин тус олдики, бунинг натижасида ана шу уюшма атиги саккиз ой умр кўриб, таркалиб кетди.

1923 йилда Туркия Республикасининг асосчиси ва биринчи президенти Камол Отатурк ташкил этган халқ-республикачилар партияси миллий буржуазиянинг, майда хусусий мулк эгалари, амалдорлар ва зиёлиларнинг манфаатларини ифода этаётганлигини эслатиб ўтиш керак. Ғарб типидаги ана шу социал-демократик партия сайлов олди платформасини эълон қилмаган бўлса-да, унинг «сўл марказ» номини олган сиёсий йўли ҳаммага аёндир. Бу йўл мавжуд режим доирасида ислоҳот ўтказишни, Туркиянинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни, феодализм қолдиқларини тугатишни кўзда тутади. Партия раҳбарлиги мамлакатнинг ҳозирги аҳволини эътиборга олиб, шу босқичда террористик ҳуружларининг пайини қирқиш, қонун ва тартибни тиклаш, демократик эркинликларни таъминлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Миллий нажот партиясига келганда шуни айтиш керакки, Туркияда ислом динини тиклаш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ислом қоида-тартибларига амал қилишга бағишлаш интилиш — шу партияга хос хусусиятдир. Масалан, миллий нажот партиясининг раҳбарлари граждан суд қонунчилигини шариат билан алмаштиришни ёқлаб чиқмоқда, турк хотин-кизлари паранжи-чачвон ёпиниб юришларини талаб қилмоқда ва ҳоказо.

Халқ-республикачилар партиясининг раҳбари Б. Эжевит миллий нажот партияси билан ҳукумат коалициясини тузиш ва уни сақлаб қолиш оғир муаммо эканлигини эътиборга олиб, қуйидагиларни айтди: мен бир партияли ҳукумат тузишни афзал деб биламан. Бу ҳукумат қулай вазият рўй бериши билан парламентда халқ-республикачилар партиясига аъзо бўлмаган айрим депутатларнинг қўллаб-қувватлашига умид боғлай олиш мумкин бўлур эди.

В. СЕРОВ,
А. БИРЮКОВ.
В. КУДЕЛИН.
[ТАСС].

АХБОРОТ

ХОРАЗМ

Агитпоезд сафарда

«Агитпоезд-77» область районлари бўйлаб сафарга отланди. Область партия комитети ва «Билим» жамияти ташкил қилган автопоездга штатсиз лекторлар ва санъаткорлар жалб этилган. Улар қишлоқ меҳнаткашларига КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини, СССР Конституцияси лойиҳаси ва социалистик демократиянинг халқчиллик принципларини тушунтириш, сайловчиларга маданий хизмат кўрсатиш борасида иш олиб борадилар. Далаларда ва фермаларда актуал мавзуларда суҳбатлар ўтказилади, санъаткорларнинг чиқиши ва ижодий мулоқотлар бўлади.

Юбилейга атаб

Хоразм тарих ва революция музейи қошида Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб «Социалистик Хоразм» фото кўргазмаси ташкил этилди. Совет ҳокимияти йилларида саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, социалистик маданиятни юксалтиришда қўлга киритилган муваффақиятлар фотолавҳаларда ўзининг ёркин ифодасини топган. Кўргазмани томоша қилган кишилар областнинг донгдор кишилари ва уларнинг бунёдкорлик ишлари, ўнинчи беш йилликнинг зарбдор қадамлари билан батафсил таниша олади.

Доҳийга ҳайкал

В. И. Ленин номли Хоразм Давлат педагогика институти коллективи ҳаётида яқинда қувончли воқеа юз берди: олий ўқув юрти биноси олдидаги майдонда Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал тантанали вазиятда очилди. Ёдгорликнинг мармар супачасига доҳийнинг «Биз Хива деҳқонининг Хива хони қўл остида яшашини мутлақо истамаймиз» деган сўзлари ёзилган.

Оталарча ғамхўрлик

Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан уруши инвалидлари тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Область социал-таъминот бўлими кейинги ойлар ичида уруш инвалидларидан 45 кишини бепул «Запорожец» енгил машинаси билан таъминлади. 60 дан ортиқ инвалидга курорт ва санаторийларда дам олиш ҳамда даволаниш учун йўлланма берилди. Кўпгина инвалидларга уй-жойларини ремонт қилиш ва бошқа тарзда ёрдам кўрсатилди. Улар бу оталарча ғамхўрлик учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чексиз миннатдорчилик изҳор этишяпти.

Колхозларда цехлар

Боғот районидаги Нариманов номли колхозда қурилган чинисозлик цехи рўзғорбоп идишларни кенг ассортиментда ишлаб чиқармоқда. Яқинда Урганч районидаги Ленин номли, Калинин номли, Хива районидаги «Хива» колхозларида ҳам кулолчилик цехлари ишга туширилди. Улар тайёрлаган чиройли сопол идишлар аҳолига манзур бўлмоқда.

«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Шаҳрисабз пилла қайта ишлаш фабрикаси коллективи ўзининг дастгоҳлари маҳсулотини ишлаб чиқарди. Корхона энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Суратда: корхонанинг илғор ишчиларидан (чапдан ўнгга) — А. Рашидова, К. Жўраева ва Н. Турдиева.

А. Авазов ва С. Метелица фотоси, (ЎзТАГ).

АХЛОҚ ВА ОДОБ

АСАБНИ АСРАНГ

Бирон бир қўпол муомала натижасида нерв фаолиятида юз берадиган қўзғалишни тасаввур қиласизми? Мия ҳужайралари йўлида ўзига ҳос ички «нотекисликлар» пайдо бўлади. Уларни енгиб ўтиш учун қимматли нерв энергиясидан озмунча сарфлашга тўғри келадими? Буларнинг ҳаммаси кишини заифлаштиради, руҳиятини ҳасталайди ва унинг яхши кайфияти учун, соғлиги учун зарур руҳий мувозанатнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Хўш, қўпол муносабатлар нимадан келиб чиқади? Афсуски, буларнинг сабаблари жуда кўп. Қўпол одам учун ҳатто шундай аҳамиятсиз нарсалар, масалан, кишига қиё боқиб қараш ёки биргина сўзнинг оҳанги ҳам баҳона бўлиши мумкин. Қўрс киши учун ишни қилиш керак? Ким ташаббус кўрсатишини сукут сақлаб кутиб туриш лозимми?

Хушмуомалаликни ифодаловчи турли-туман сўзлар ичида кўпроқ ишлатилиши лозим бўлган иккита сўз бор. Улар «марҳамат» ва «раҳмат»дир. Бу сўзлар ўз вақтида ишлатиладиган бўлса, дилида ёмон туйғуларни кечираётган киши ҳам ипакдек мулойим бўлиб қолади.

Булар майда-чуйдами? Аслида қум донаси ҳам майда нарсадир. У мотор цилиндрига кириб қолса, нима қилади? Бу қум донаси кукунга айланиб, цилиндрдан чиқиб кетгунга қадар қанча зарар етказишга улгуради? Агар бундай қум доналари кўп бўлса-чи? Моторни кўп ўтмай янги моторга алмаштиришга тўғри келади. Бироқ инсон — мотор эмас. Уни алмаштириб бўлмайди!

Хушфеъл, хушмуомала бўлайлик. Бу ҳар ким учун — ўзимиз учун ҳам, биз билан муомалада бўлувчи ўзгалар учун ҳам фойдалидир.

Абдумўмин КЕНЧИМОВ,
Келинин район Хонобод қишлоқ Советидаги болалар касалхонаси бош врачи.

ҚИШЛОҚ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ КЎРИГИ

ШАҲРИХОН «ЧАШМА»СИ

Бундан ўн беш йил илгари Шаҳрихонда биринчи марта бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил топди. Тўгаракка дастлаб О. Ғозиева, М. Жўраева, Г. Убайдуллаева, Ф. Мамажонова, М. Макарова каби ўнлаб қизлар актив қатнашдилар. Тўгаракка Ш. Ғозиева бадиий раҳбарлик қилди. У дастлаб қизларга ўзбек халқ рақсининг нозик ва жозибали сирларини меҳр билан ўргата бошлади. Кўп ўтмай бу кичик тўгарақдаги йигит ва қизлардан А. Комилжонов, Т. Жумабоева, М. Сирожиддинов, М. Тожибоева каби ёш раққоса ва хонандалар катта обруға эришдилар.

Шундай қилиб, ўн беш кишилик коллектив 70 кишига етди. Эндиликда тўгарак районда эмас, балки, область ва республика миқёсида ҳам эътибор топди.

Коллектив сўнгги тўрт йил ичида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Репертуари янада бойиди. Халқ ашула ва рақс ансамбли унвонини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозир ансамбль бадиий раҳбар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ширмонхон Ғозиева, музика раҳбари Қаҳҳоржон Воҳидовлар бошчилигида область колхоз ва совхозларининг клубларида, дала шийпонларида кенг программада концерт бермоқда. Бу билан улар меҳнатчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Коллектив 1966 йилда Москвадаги Лихачев номли заводда, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида концерт бериб қайтди ва виставканинг I даражали дипломини олишга муваффақ бўлди.

1972 йилда «Чашма» халқ ансамбли республика бадиий ҳаваскорларининг «Марҳабо, талантлар» телевизион фестивалида қатнашиб, ғолибликка эришди, 1973 йилда эса ансамбль Ўзбекистон радиоси ва телевидениесининг ёш талантлар телевизион конкурсида қатнашиб, яна муваффақият қозонди. Натижада «Чашма» ансамбли ҳақида телевизион ҳужжатли фильм суратга олинди. Ўша йили ансамбль Румния Социалистик Республикасида, Эстония ССРда гастролда бўлди.

— Шу кунларда, — дейди Москва район партия комитетининг секретари Шодмоной Мирзаева, — «Чашма» ашула ва рақс ансамблининг ижодий коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги юбилейига зўр тайёргарлик кўрмоқда. Улар юбилей олдидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Қишлоқ бадиий ҳаваскорлик коллективларининг республика кўригини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини самарали бажариш учун колхоз ва совхозларда бўлиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

А. РАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистонининг штатсиз муҳбири.

ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА

МЎМИЁ: РИВОЯТДАН ИЛМИЙ ҲАҚИҚАТГА

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ўлка медицинаси илмий-тадқиқот институтида янги бир бўлим очилди. Бўлим мўмиёни фундаментал клиник-лаборатория тадқиқотларидан ўтказиш билан шуғулланади. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон территориясида мўмиё запаслари кўп.

Халқ медицинасида мўмиёи аслдан фойдаланиб келинаётганига икки минг йилдан ошди.

— Биз мўмиёнинг таркиби ва хусусиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқишимиз, унга муфассал фармакологик баҳо бермоғимиз, илмий тавсиялар тайёрлашимиз, уни давлат фармакопеяси — доривор воситаларни қўллаш тўғрисидаги стандартлар ва қоидалар мажмуида қонунлаштиришимиз керак, — дейди институт директори, республика Фанлар академиясининг академиги Е. Х. Тўрақулов.

Янги бўлимга медицина фанлари доктори В. Н. Исмоилова бошчилик қилмоқда. У мўмиёи аслни ўрганиш билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келади. Қадимқотларни турли ихтисосдаги олимлар комплекс равишда ўтказадилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геологлари, биохимиклари, бошқа тадқиқотчи коллективларига тегишли вазифалар топширилди.

(ЎзТАГ).

физкультура ва спорт

«ОЛИМПИАДА—80»

ҚИЗҒИН ОЛИШУВЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Енгил атлетика бўйича ҳар йилги Сочи шаҳрида халқаро мусобақалар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Эзги спорт мавсуми бу йил ҳам «Правда» газетасининг соврини учун ўтказилувчи баҳс билан бошланди. Бунда иттифоқдош республикалар, Москва, Ленинград шаҳарларининг ҳамда 18 чет эл мамлакатларининг энг кучли спортчи йигит-қизлари ўзаро баҳслашаётирлар. Енгил атлетиканинг барча турлари бўйича бой тажрибага эга бўлган спортчилар бу мусобақаларда янгидан-янги рекордлар қўйиб, ўтган йиллари қўлга киритган натижаларини янада мустаҳкамлашмоқда.

Сочида ўтказилган баҳс кеҳлари мухбиримиз тренер ва айрим спортчилар билан учрашиб, мусобақалар тўғрисида уларнинг фикрларини олди:

Тура ЭШЕТУ — эфиопиялик спортчи, 3 минг метрли масофага тўсиқлар оша югуриш устаси:

— Ёшим 27 да. Мана тўрт йилдирки, узоқ масофага югуришни машқ қиламан. Мақсадим тўсиқлар оша 3 минг метр масофага ҳаммадан илгари етиб келиб, жаҳон рекордини қўйиш ва Москвада бўладиган Олимпиада ўйинларида қатнашишдир.

— Мен бу галги мусобақада янги кўрсаткичга эришдим. Умуман кейинги йилларда ҳамюртларимнинг спорт тайёргарлигига катта аҳамият қилинмоқда. Олимпиада чемпионлари Абебе Бикула билан Мано Волделар эса, югуриш бўйича довруғ таратган таниқли спортчилардан. Спорт — гинчлик элчиси Ўйлайманки, спорт мусобақалари мени ва ҳамюртларимни Сизларнинг ажойиб мамлакатларингизга ҳали бир неча бор келишимга имкон беради.

Н. ПОЛИТИКО — СССР енгил атлетикачиларининг тренери:

— Сочи шаҳрининг Марказий стадионида отахон газета соврини учун ўтказилган мусобақалардан кейин СССР—ГФР терма командалари ўртасидаги матч ҳам кучли спорт олишувлари билан ўтди. Унда ҳар икки мамлакат енгил атлетикачилари орасида истиқболли ёшлар борлиги маълум бўлди, янги рекордлар қўйилди.

Навбатдаги мусобақала Москвада ака-ука Знаменскийлар хотираси соврини учун старт берилди. Бунда асосан она-Ватанимизнинг кўзга кўринган югурувчилари, баландликка сакровчилар, ядро ва найза отиш усталари иштирок этдилар. Июнь ойининг охирида Германия Демократик Республикасида ГДР, Польша ва СССР терма командалари иштирокида енгил атлетикачилар матчи ўтказилади.

Июль ойининг 1-2-кунларида СССР ва АҚШ терма командаларининг учрашуви мўлжалланган. Бу мавсумдаги энг йирик ва қизиқарли мусобақалардан бири бўлади. Куз бошларида биринчи марта Дюссельдорф (ГФР)да жаҳон кубоги учун мусобақалар бошланади. Бунда қатнашиш учун саралаш мусобақаларида ғолиб келиб, тегишли йўлланмага эга бўлиш керак.

Ҳозиргача дастлабки стартларда беш юз енгил атлетикачининг эришган натижалари билан танишиб чиқдик. У ҳам бўлса. «Правда» газетаси соврини учун ўтказилган мусобақалардир. Бу мавсумдаги дастлабки старт бўлганлиги сабабли аниқ бир хулосага келиш қийин. Шундай бўлса-да, юқори кўрсаткичларга эришган спортчиларнинг номларини айтиш мумкин. В. Игнатенко, Л. Маслакова, Т. Сторожева, Н. Горбачева, С. Молотилов, Г. Романов ва В. Санеевлар шулар жумласидандир. Мавсум давомида ҳали жуда кўп йигит-қизларимиз ўзларининг маҳоратларини янада ошириб, бўлажак мусобақаларда биринчиликни эгаллайдилар. Пешқадамлик йўлланмасини олиб масъулиятли стартларда қатнашадилар ва совет спорти шарафини оқлайдилар. Бу билан «Олимпиада—80» ўйинларига қизғин тайёргарликнинг ўзига ҳос бошланиши ўтайдилар.

Уч сакраш устаси, уч марта Олимпиада чемпиони Виктор Санеевнинг режалари ҳам катта. Виктор 1968 йили Мехикода ўтказилган Олимпиада ўйинларида мусобақа ғолиблигини эгаллаган, орадан тўрт йил ўтгач ўша кўрсаткични Мюнхенда яна такрорлаган эди. Ўтган йили эса Монреалдаги Олимпиадада ўз маҳоратини намойиш этиб, биринчи мукофотни олди.

— Москвадаги ўйинларда — дейди Виктор, — олтин медаль эгаси бўлиш учун ҳаммадан узоқроқ сакраш керак. Бунинг учун ҳамиша меҳнат қилиш талаб этилади. Ғолибликни қўлдан бермаслик учун маҳорат ва машқни бўшаштирмайман, албатта. «Олимпиада-80» гача қолган салкам уч йил ичида тажрибали тренерлардан тегишли маслаҳатлар оламан, кўзлаган мақсадимга эришиш учун кескин ҳаракат қиламан Олимпиада ўйинлари куни обҳаво яхши бўлиб тўрса, уч сакраш бўйича мусобақа ўтказиладиган майдонча дид билан тайёрлаб қўйилган бўлса 17 метр-у 50 сантиметрлик маррани бемалол эгаллаш мумкин.

ФУТБОЛ

МУХЛИСЛАР РАНЖИГАНЧА БОР

Аввало шуни айтиш керакки, олий лигага йўлланма олишни ният қилган коллектив учун чемпионат «пойга»си олдида бориш ўзи кифоя қилмайди. Мавсум охирида юқори лигага ўтадиган команда айни кезларда ҳар жиҳатдан илдамлаб олган бўлиши лозим. «Пахтакор» футболчилари ўтган йилга нисбатан дуруст ўйинлар кўрсатиб, мухлисларни мамнун этишяпти. Зеро, олий лигага ўтиш учун астойдил талабгор эканлигига ҳали кўпчилликда тўлиқ ишонч ҳосил бўлганича йўқ. Футбол ишқибозлари «Пахтакор» очколар ва тўплар нисбати бўйича ўзга командалардан мутлақ илгарилаб, пешқадамликда талабгорларга ўрин бермайдиган даражага эришишини кутишганди. Умуман, «Пахтакор» бугунги мавқеини бой бериб қўймаслигига шубҳа қолмаслиги керак.

Афсуски, мағлубият аламини тортмай келаётган пахтакорчилар мухлисларни ранжитиб қўйишди. Бир ўйинда икки кутилмаган воқеа юз берди. Биринчидан, футболчиларимизнинг келиб-келиб ўз майдонида мағлубиятга учраши тасодиф бўлса, иккинчиси таниқли футболчи, СССР терма командасининг аъзоси В. Федоровнинг 11 метрли жарима тўпи тепишни эплай олмагани томошабинларни қайратга солди. Пахтакорчилар «Нистру» футболчилари билан ана шу ўйинда меҳмонлар имконияти билан ҳисоблашмай тўп суришди. Кишинёвликлар эса, бундан фойдаланиб ҳисобни очишга улгурдилар. Танаффусдан кейин берилган 11 метрли жарима тўпи баҳона майдон эгалари ўзларини ўнглаб олишса керак, деб ўйлагандик. Лекин, энг қулай имконият ҳам бой берилди. Меҳмонлар бўлса, яна бир тўп киритиш билан ғалабани мустаҳкамлаб олишди.

Пахтакорчилар биринчи давра ўйинларини якунлаш арафасида қимматли қўш очкони бой беришди. Энди футболчиларимиз бир ой давомида сафар учрашувлари ўтказишади. Жумладан, Кривой Рог, Запорожье ва Душанба футболчиларининг меҳмони бўлиб, 13 июлда «Колхозчи» командасини қабул қиладилар. Ўйлаймизки, футболчиларимиз кутилмаган мағлубиятдан хулоса чиқариб, қолган ўйинларни муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қиладилар.

14 тур ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Кузбасс» — «Спартак» (О) — 3:1, «Уралмаш» — «Терек» — 2:2, «Звезда» — «Таврия» — 0:0, «Рубин» — СКА — 3:2, «Торпедо» — «Металлург» — 0:0. Кеча «Динамо» (Мн) — «Шинник» командалари учрашишди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

БУЮМЛАР ТЕЗ ВА ТОЗА ЮВИЛАДИ

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ! ҲОЗИРГИ ПАЙТДА СИЗЛАР УЙДАГИ БУЮМЛАРИНГИЗНИ ТЕЗ ВА ТОЗА ЮВИШИНГИЗ МУМКИН. БУНДА СИЗГА ҚАТОР ХИМИЯВИЙ ПАСТАЛАР ЖУДА ҲАМ ҚУЛ КЕЛАДИ.

Одатда уйда кир ювиш ип-газламали кийимлар ва бошқа буюмлардан бошланади. Бунинг учун **«ПАЛЬМИРА»** пастасини ишлатсангиз юмушингиз осон битади. **«ПАЛЬМИРА»** қоришмасида ювилган ип газламали ва зигирли ички кийимлар яна асли ҳолига қайтиб, нуқрадек оқариб туради.

«ПАЛЬМИРА» ПАСТАСИ БИЛАН КИР ЮВИШ ИШИ ЖУДА ҲАМ СОДДА БЎЛИБ, СУВНИ ОРТИҚЧА ҚАЙНАТИШ ВА СИНКА СОЛИШ ИШЛАРИНИ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИ.

Жун, шойи, синтетик газламалардан тикилган буюмларни ювишда «КАШТАН» ва «ЛАДА» суюқ синтетик ювувчи воситалар хизматингизни янада осонлаштиради. Айниқса «Каштан» қўлда тўқилган ва тўр тўқимали дарпардаларни ювишда бебаҳодир.

Таркибига махсус оқартириш моддаси қўшилган «ЛАДА» кир ювиш воситаси буюмларни жуда ҳам яхши оқартиради, турли рангдаги газламаларнинг чиройини очиб юборади.

Агарда сиз «ЛАНДЫШ» пастасини сотиб олсангиз, у билан ҳар қандай газламадан тикилган буюмларни тез ва тоза ювишингиз мумкин. «ЛАНДЫШ» пастаси ишлатишда қулай бўлиб, ундан хушбўй ҳид ҳам келиб туради.

БИЗ СИЗЛАРГА ЗИКОЛ ҚИЛИБ БЕРГАН БАРЧА КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ СУВДА ҲАМ ОСОНГИНА ЭРИЙДИ.

«ПАЛЬМИРА», «КАШТАН», «ЛАДА» ВА «ЛАНДЫШ» КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ ОЛМАЛИҚДАГИ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА. БУ КОРХОНАНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРЛАРГА ЖУДА КЎП МАНЗУР БЎЛМОҚДА.

«ЛАНДЫШ» ва «ПАЛЬМИРА» пасталарини ва **«ЛАДА»** ҳамда **«КАШТАН»** кир ювиш воситаларини сотиб олингиз! Улар барча ихтисослаштирилган хўжалик магазинлари ва йирик савдо магазинларининг бўлимларида исталганича бор.

УЙЛАЙМИЗКИ, БУ КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ УЙ БЕКАЛАРИНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИГАН БЕБАҲО ЁРДАМЧИЛАРДИР.

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ,
«УЗТОРГРЕКЛАМА».

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

86-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—78 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТАЛЛ БЎЙИЧА ГОКАРЬ. Ўқиш муддати — 1—2 йил (14—15 ёшлилар);

ФРЕЗЕРЧИЛАР. Ўқиш муддати — 1 йил (15 ва ундан катта ёшдагилар);

ҚОЛИПЧИ. Ўқиш муддати — 1 йил (17 ва ундан катта ёшдагилар), қолипчиларга стипендия ҳам берилади;

ДИПЛОМЛИ ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—2 йил (16 ярим ва ундан катта ёшдагилар);

МЕХАНИКА ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ. Ўқиш муддати — 1—2 йил (14 ярим ва ундан катта ёшдагилар);

СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ. Ўқиш муддати — 2 йил (14 ярим ва ундан катта ёшдагилар);

САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ ГУЗАТИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати — 2 йил (14 ярим ва ундан катта ёшдагилар);

ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—1 йил (17 ярим ва ундан катта ёшдагилар);

ЭЛЕКТР КУПРИКЛИ КРАН МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати — 1 йил (17 ярим ва ундан катта ёшдагилар). Электр кўприкли кран машинистларига стипендия ҳам берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА — 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар қунига уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Зарур бўлганларга ётоқхонадан жой берилади.

Ўқувчилар ишчи-ёшлар мактабида ўрта маълумот олишлари мумкин.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Билим юртида бўш вақтларда шуғулланиш учун 8 та тўгарак ва 11 спорт секцияси ишлаб турибди. Жумладан, эстрада, духовой ва миллий ансамбль мавжуд. Каникул даврида дам олиш учун Чимён районида лагерь бор.

Билим юртини тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун имтиёзлардан фойдаланадилар.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Кирувчилар ариза билан бирга қуйидагиларни қўшиб топширишлари лозим: гарижмаи коли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, характеристика. 3х4 см. хажмда 6 дона фотосурат.

Билим юрти адреси Тошкент шаҳри-52. Содиков кўчаси, 15-уй (4, 5-троллейбуслар, 21, 73-автобусларнинг «Экскаватор заводи» бекати).

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Нафрат мактаби» (фильм-спектакль). 15.30 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — А. П. Чехов ижоди. 17.30 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 18.00 — Ёшлар ассреслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Кузнок ногалар. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Концерт. 20.35 — «Советлар мамлакатининг фани». 20.50 — «Саша» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Футбол. «Динамо» (М) — «Динамо» (Тб). 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 18.45 — Ўқувчилар учун «Ўқитувчи ва замон». 19.15 — Халқ контроли экрани. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Республика энг яхши пионер коллективларининг концерти. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Ғўза парваришининг илғорларига тенглашинг. 22.45 — Совет киноси усталари. Ш. Аббосов.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.30 — Химия. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Реклама. 21.05 — Балетлардан саҳналар. 21.35 — Математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари гулдастаси. 9.30 — Бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари ижросида концерт. 11.15 — «Партия Ўқувининг якунида доир». 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Жамоатчи мухбирлар ёзадилар. 13.30 — Таниқли ижрочилар концерти. 14.00 — «Эй дастурхонига кўплаб сифатли сабзавот етказиб берайлик». 16.10 — «Темир оқим». 19.00 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Қорақалпоқ қўйлари. 21.00 — Оммавий қўшиқлар. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — Ёзувчи ёш дафтаридан. 23.15 — Радиотингловчилар тузган программа асосида концерт.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/VI да Севги тумори.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/VI да Сув келтирган азиз.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 15/VI да РСФСР халқ артисти МАРГАРИТА НАЗАРОВА раҳбарлигидаги «ЙЎЛБАРСЛАР» АТТРАКЦИОНИ (19.30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Қочоқ киши (катта зал), Сангам (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қочоқ киши — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Парад — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 00), «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Мардлик учун юз грамм — «НУКУС» (тоқ соатларда).

Кўл узра соната садоси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (20.00, 21.30).

ЕЗГИ БИНОДА

Қочоқ киши — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00, 22.30).

Оилавий байрам куни — «ХИВА» (20.30, 22.10).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ПРОБЛЕМАЛИ ЛАБОРАТОРИЯ БЎЙИЧА медицина-биология бўлими катта илмий ходими (фан кандидати) ва ничик илмий ходимлари (2 ўрин);

ИЛМИЙ МЕДИЦИНА ИНФОРМАЦИЯСИ БЎЛИМИ БЎЙИЧА мудир, катта илмий ходим (фан кандидати).

КОНКУРС МУДДАТИ — 5 июлгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 35-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР:

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142

Р. — 03433. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 136.